

**КОМИЛ ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ  
ФАЗИЛАТЛАРИ  
ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫЕ ДОСТОИНСТВА ГАРМОНИЧНО  
РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ  
THE SPIRITUAL AND MORAL DIGNITIES OF THE  
HARMONIOUS DEVELOPED PERSON**

**Аннотация**

**Мазкур мақолада комил инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, комил инсонни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканлиги жамиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ёритилган.**

**В данной статье анализируются научно-практические аспекты духовно-нравственных достоинств гармонично развитой личности. Также освещаются современные вопросы сегодняшнего воспитания гармонично развитой личности во взаимосвязи с общественным развитием.**

**In given article the scientific-practical aspects of the spiritual and moral dignities of the harmonious developed person are analyzed. Also the recent question of modern education of the harmonious developed person with correlation to social development are shown.**

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий-ахлоқий қадриятларининг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда. Шу маънода Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги фикрлари ҳозирги даврда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳим аҳамият касб этади: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”.<sup>1</sup> Бозор муносабатларида ҳам юксак маънавиятли ва ахлоқ-одобли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, ишбилармон, ишчан кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий-ахлоқий суст, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзланган мақсадга эришолмайдилар. Бундан хулоса шуки, ҳеч иккиланмай ва кечиктирмасдан маънавий-маърифий тарбия масаласи ҳақида ўйлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади. Бунда биз маърифатпарвар бобомиз Абдулла

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б.25.

Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган ўғитига амал қилишимиз керак.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида туб ўзгаришлар содир этди. Айниқса, таълим-тарбия соҳаси ривожига муҳим таъсир кўрсатди. Ҳукуратимиз раҳбарияти томонидан мустақил, эркин фикрловчи, маънан етук комил инсонларни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди. «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир». «Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади»<sup>2</sup> -дея таъкидлаган эдилар давлатимиз Президенти И.А.Каримов.

Миллий истиқлолимизнинг бош ғояси бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни ҳар тамонлама - ҳам маънан, ҳам жисман етук инсонларгина қуриши мумкин, бу ҳолат эса Ватан келажаги учун масъулиятни ҳис қила оладиган комил инсон тарбиясининг зарурлигини кўрсатади. Замонамиз талабидаги комил инсонни тарбиялашда бизга нафақат аждодларимизнинг фикрлари, ўғитлари ёрдам беради, шу билан биргаликда миллий мафкурамизни сингдириш орқали ҳам маънан баркамол инсонни тарбиявий даражасини таъминлашимиз мумкин. Комил инсон тушунчасига кирадиган муҳим талаблар Шарқ тафаккурида алоҳида тизимни ташкил қилади. Улар шахснинг босиқлиги, вазминлиги, бағрикенглиги, камтарлиги, одамохунлиги, умуминсонийлик руҳининг кучлилиги, сефарзандлиги, кекса ва ёшларга меҳр-шавқатлилиги кабилар билан ҳарактерланади. Булар сирасига кишининг бошқа эътиқоддаги ёки диндаги инсонларга сабр-тоқат билан муносабатда бўлиши, ҳурмати, табиатни севиш, бутун жонли табиатга муҳаббат билан қараш каби фазилатларини ҳам киритиш мумкин. Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган.

Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназулга маҳкум. Зеро, инсонпарварлик тамойилларига асосланган миллий истиқлол ғояси фуқаролар қалбида ифтихор, садоқат, ватанпарварлик каби гўзал туйғуларни шакллантиради, жамият олдидаги ўз бурч ва вазифаларини чуқур англаб етишига қулай имкон яратади. Табиийки, бу ҳолл ҳар бир кишини жамият, давлат ишларида фаол иштирокчига айлантиради, энди у элу юрт манфаати учун қандайдир куч воситасида зўрлаб ишга жалб этилмайди, балки ўз хохиши ва истагига биноан, холис виждон билан Эл хизмати учун бел боғлайди. Инсонга муҳитнинг таъсири ғоят кучли. У ёмон ишларни кўриб, уларнинг гувоҳи бўлиб улғайса, бора-бора ана шу одатга ўрганади. Яхшилар орасида бўлса, яхшиларнинг эзгу ишларига бот-бот дуч келиб, улардан эзгу хулоса чиқарса, у охир-оқибат

<sup>2</sup> Баркамол Авлод Орзуси, «Шарқ» нашриёти, 1999 й, 81 бет.

гўзаллик соҳибига айланадики, бу гўзаллик соҳибига айланадики, бу гўзаллик унинг кўнглидаги, ички оламидаги беғубор туйғулар нафосати демакдир. Бизнинг жамиятимиз олдидаги асосий мақсаднинг ўзи ҳам шу: юртимизда эзгу ғоялар, умуминсоний қарашлар муҳитини яратиш. Бу ҳолат биз орзу қилаётган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришишнинг асосий ва етакчи омиллардан бири бўлиб қолаверади.

Комил инсон иймон ва эътиқодлилик, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз маънавий баркамол инсон тарбиясида ёшларимизни элини, ватанини севувчи комил инсон қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. «Комил инсон деганда, - деб ёзади Ислом Каримов, - биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»<sup>3</sup>. Унинг шаклланганлиги даражасини характерловчи энг муҳим фазилатлар эса қуйидагилардир: ақлий зукколик, ҳуқуқий комиллик, ахлоқий етуклик, сиёсий теранлик, меҳнатга ҳалол муносабат, юксак маданий, маънавий савия, профессионал ифтихор, миллий ва умуминсоний ғурур ва бошқалар.

Комил инсон - қуллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак ижтимоий жихатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади. Комил инсонни тарбиялашда, аввало уларда масъулият ҳиссини шакллантира олиш керак. Инсон ўзида масъулиятни ҳис қилар экан қилиниши керак бўлган ишларни пухта режалаштириб, оқибатини ҳис қила олиб, керакли натижага эришиш учун, муваффақият учун бор кучини, билимини, тажрибасини, салоҳиятини ишга солади. Масъулиятни ҳис қилган ёшларда келажак ҳаётга тайёр, эркин фикрловчи ва ҳамда мустақил иш қилишга қодир бўлган ҳолда шахсий ғурур туйғуси шаклланади. Ёшларда масъулият ҳиссини шаклантиришда мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлиридаги ўқув жараёни билан бир қаторда оила ҳам муҳим ўрин тутди. Оила аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган муқаддас анъана ва урф-одатларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ, маънавият ва маданият кўникмаларини сингдиради. Бу эса комил инсонга хос бўлган хислатлардир. Оилада бу фазилатни фарзандлар онгига сингдириш учун эса ота-оналарнинг саводхонлигини, замон билан ҳамнафаслиги, аждодлар руҳига содиқлиги, соғлом тафаккурга эга эканлиги муҳим рол ўйнайди.

Комил инсонни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаси экан, бу вазифани бажаришда, яъни ёшларимизни комил инсон қилиб

<sup>3</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.6.

тарбиялашда Хитой файласуфи Конфуцийнинг сўзларини ёдга олишимиз зарур: «Комиллик даражаларига эришиш учун қалб покизалиги ҳақида ўйлаб кўриши керак. Қалб покизалигига эса юрак ҳақиқатни излаганда ва руҳ орифликка интилган тақдирдагина эришилади. Буларнинг барчаси ҳақиқий билимга боғлиқдир».<sup>4</sup> Комил инсон эса, бу - озод шахс, эркин фикрловчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. «Бизнинг асосий бойлигимиз, деб таъкидлаган эди, Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз-инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли -инсондир. Бу нарса, айниқса ёш авлодга тегишли». Комиллик - меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир. Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллий маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озикланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган.

Комил инсон фаолиятида билим ва етук ахлоқ узвий равишда бир-бири билан боғлиқдир: билим нарсаларнинг моҳиятини ички сабабиятларини билиш имконини беради, ахлоқ (маънавият) эса одамни яхши фазилатга даъват этади. Чунки камолотга эришиш одамдан ўзининг сўнгги мақсади бахтига етиш, бахтни қўлга киритиш учун фойдали нарсаларни қўлга киритишни талаб қилади. Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган маънавий омилдир. Шу сабабли миллий истиқлол мафкурасини устивор ғояларидан бўлган комил инсон ғояси мустақил Ўзбекистон халқининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаёти ва дунёқараш мезонларини ўзгартиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунга келиб комил инсон тушунчаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки бутун инсониятнинг XXI асргача бўлган орзулари бир томон, учинчи минг йиллик бошида туриб белгиланаётган режалари бир томон бўла олади. Электроника, компьютер, уяли техника, атом, ультратовуш, лазер ва инфрақизил нурлар, биогенетика, космонавтика бу умумбашарий аҳамиятга эга бўлган соҳа ва йўналишлар сони янада кўпайиши шубҳасиз. Шундай қилиб биринчидан, комиллик қиёфасини замонга нисбатан, давр ва муҳит ичида, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилишга асосланади. Иккинчидан, комил инсон қиёфасини нисбатан, ҳаётий тажрибалар кўлами ва одамийлик сифатлари нинг умумлашган ёки хусусийлашган шаклларида кўришимиз мумкин ва ниҳоят, учинчидан, инсон комиллигининг аҳамиятига нисбатан, комиллик даражасига яқинлаша олган шахснинг ўз даври, замонаси, миллати, халқи,

---

<sup>4</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000.

Ватани ва бутун инсониятга таъсири, келтирган нафи ёки маънавий озуқаси салмоғи билан белгиланиши шубҳасиз.